



Россия ва Хитойнинг ҳарбий соҳадаги халқаро ҳамкорлигининг ўзига хос жиҳатлари

Куллиев Илхомжон Мурадович,

Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

Аннотация: Мазкур ишда ҳарбий соҳадаги халқаро ҳамкорликнинг жаҳон миқёсда аҳамияти ортиб бораётгани кўрсатилиб, бу жараёнда ҳатто етакчи глобал кучлар сифатида эътироф этиладиган давлатлар ҳам фаол иштирок этаётганлиги қайд этилган. Мазкур тенденция Россия ва Хитой давлатларининг ҳарбий ҳамкорлигини мисолида таҳлил қилиниб, ҳар бир давлат ташқи сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган.

Калит сўзлар: Россия, Хитой, ШХТ, КХШТ, Бир камар бир йўл, БМТ, глобал хавфсизлик, коллектив хавфсизлик механизмлари, кўшма машқлар.

Аннотация: В данной работе показано возрастающее значение международного сотрудничества в военной сфере в мировом масштабе и отмечено, что в данном процессе активно участвуют даже государства, признанные ведущими мировыми державами. Указанная тенденция проанализирована на примере военного сотрудничества Российской Федерации и Китайской Народной Республики, а также исследованы особенности внешней политики каждого из этих государств.

Ключевые слова: Россия, Китай, ШОС, ОДКБ, «Один пояс — один путь», ООН, глобальная безопасность, механизмы коллективной безопасности, совместные учения.

Abstract: This paper demonstrates the growing global importance of international cooperation in the military sphere and notes that even the world's leading powers are actively engaged in this process. This trend is analyzed through the examples of military cooperation between the Russian Federation and the People's Republic of China, while the distinctive features of each country's foreign policy are also examined.

Keywords: Russia, China, Shanghai Cooperation Organisation (SCO), Collective Security Treaty Organization (CSTO), Belt and Road Initiative (BRI), United Nations (UN), global security, collective security mechanisms, joint exercises.

Ҳозирги кунда ҳеч бир давлат террористик таҳдидлар, ядровий хавф ёки киберхужумларга яқка ҳолда қарши тура олмайди, шу боис ҳарбий ва хавфсизлик соҳасида глобал шериклик зарурлигига тобора кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда. Бу тенденция энг аввало, дунёнинг етқи давлатлари ташқи сиёсатида яққол кузатимокда.

Жумладан, АҚШ ўзининг НАТО доирасидаги етакчилиги орқали евроатлантик хавфсизлик тизимини шакллантиришда ҳал қилувчи ўринга эга. Хитой эса Шанхай ҳамкорлик ташкилоти орқали Евроосиё минтақасида

хавфсизлик ҳамкорлигини йўлга қўйиб, шу билан бирга икки томонлама ҳарбий-техник ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда. Россиянинг халқаро ҳарбий ҳамкорлиги эса кенг географияни қамраб олиб, Евроосиёдан ташқари Яқин Шарқ ва Африкада ҳам намоён бўлмоқда. Шунингдек, Ҳиндистон ўзининг Ҳинд океани минтақасидаги ҳарбий-стратегик фаоллиги билан халқаро денгиз хавфсизлигида муҳим ўрин эгаллай бошлади¹.

Мазкур давлатлар орасидан Ўзбекистон Республикаси учун географик жойлашуви ҳамда қалин иқтисодий-сиёсий алоқалари билан яқин бўлган Россия ва Хитой давлатларининг ҳарбий соҳадаги халқаро ҳамкорлигини ўрганадиган бўлсак, унда ҳар бир давлатнинг бир қатор ўзига хос жиҳатлари мавжуд эканлигини кузатамиз.

Хусусан, *Россия Федерациясининг ШХТ ва КХШТ доирасидаги ҳарбий ҳамкорлик фаолияти* – Россиянинг ҳарбий соҳадаги халқаро ҳамкорлик йўналишлари узвий равишда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ) каби минтақавий хавфсизлик институтлари доирасида амалга оширилади. Мазкур ташкилотлар Россия учун нафақат геосиёсий нуфузини мустаҳкамлаш, балки ҳарбий-техника экспортини кенгайтириш, қўшма машқлар орқали стратегик шерикликни ривожлантириш имконини ҳам тақдим этади.

Биринчи жиҳат. Россия–ШХТ ҳамкорлиги, айниқса, терроризмга қарши кураш ва чегара хавфсизлигини таъминлаш соҳасида намоён бўлади. “*Мирная миссия*” номли қатор қўшма машқлар Россия ва Хитой қўшинлари иштирокида амалга оширилиб, унда замонавий тактик ҳаракатлар, ахборот алмашинуви ва разведка жараёнлари мувофиқлаштирилди. Бу машқлар нафақат ҳарбий тайёргарлик даражасини ошириш, балки аъзо давлатлар ўртасида ишонч ва стратегик уйғунликни кучайтиришга хизмат қилади².

Иккинчи жиҳат. Россия КХШТ доирасида етакчи ҳарбий-техника етказиб берувчи сифатида майдонга чиқиб, Арманистон, Беларус, Қозоғистон ва Тожикистон билан узоқ муддатли шартномаларни амалга ошириб келмоқда. Масалан, С-300 ва С-400 зенит-ракет тизимлари, замонавий ҳаво химоя воситалари ва Су-30 каби қирувчи самолётларни етказиб бериш Россиянинг иқтисодий манфаатлари билан бир қаторда, унинг сиёсий ва ҳарбий таъсирини ҳам мустаҳкамлайди³.

Учинчи жиҳат. Россия–Хитой ҳамкорлиги алоҳида стратегик аҳамиятга эга. Қўшма баҳрий машғулотлар Шарқий ва Жанубий Хитой денгизларида амалга оширилиб, икки давлатнинг геосиёсий манфаатлари уйғунлиги ва тактик уйғунлик даражасини кўрсатиб берди. Шунингдек, Россиянинг Хитойга Су-35 қирувчилари, Тор-М1 ҳаво химоя комплекслари ва замонавий артиллерия воситаларини етказиб бериши ҳар икки давлат ҳарбий қудратини ошириш билан бирга, стратегик ишонч муҳитини мустаҳкамлади⁴.

¹ Nye, Joseph S. *The Future of Power*. New York: PublicAffairs, 2011, p. 145–160.

² Каримов Ш. “*ШХТ доирасида хавфсизлик ҳамкорлиги*”, Тошкент: Академнашр, 2022. – Б. 114.

³ Бордачёв Т. “*Россия ва КХШТ: хавфсизлик интеграцияси масалалари*”, Москва: АСТ, 2021. – С. 87–88.

⁴ Kashin V. “*China–Russia Military Cooperation: An Emerging Alliance?*”, *Journal of Strategic Studies*, 2020, Vol. 43(5). – P. 692–694.

Тўртинчи жиҳат. Россиянинг ҳарбий-техника экспорти унинг ташқи сиёсатининг муҳим элементларидан бири сифатида стратегик шерикликни мустаҳкамлайди. Шу тариқа, ҳарбий-техника соҳасидаги ҳамкорлик Россиянинг глобал хавфсизлик тизимидаги таъсирини кучайтиради ва унинг геосиёсий барқарорлигини таъминлашда ҳал қилувчи омилга айланади⁵.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Россиянинг ШХТ ва КХШТ доирасидаги ҳамкорлик сиёсати ҳарбий машқлар, қурол-аслаҳа экспорти ва стратегик шериклик орқали амалий мазмун билан бойитилмоқда. Бу эса Россиянинг халқаро нуфузини сақлаб қолиш, минтақавий хавфсизлик тизимларида етакчи ролини мустаҳкамлаш ва глобал даражада таъсирчан геосиёсий субъект сифатида намоён бўлишига хизмат қилмоқда⁶.

Хитойнинг ҳарбий соҳадаги халқаро ҳамкорлик стратегиялари – Хитой Халқ Республикаси сўнгги икки ўн йилликда халқаро майдонда ўзининг геосиёсий нуфузини мустаҳкамлаш ва ҳарбий соҳада глобал интеграцияни кучайтириш йўлида изчил ҳаракат қилмоқда. Бу жараёнда “*Бир камар, бир йўл*” ташаббуси унинг ташқи сиёсати ва хавфсизлик стратегиясининг марказий йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Мазкур ташаббус нафақат иқтисодий ва инфратузилмавий ҳамкорликни, балки хавфсизлик ва ҳарбий соҳадаги шерикликни ҳам қамраб олади⁷.

Биринчи жиҳат. Хитой Африка қитъасида тинчликпарварлик операциялари ва кўшма машғулотларда фаол иштирок этиб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) доирасидаги тинчликпарварлик миссияларида Хитой ҳарбийлари Либерия, Судан ва Мали каби давлатларда тинчликни таъминлаш ишларига жалб этилган. Бу эса Хитойнинг глобал хавфсизликдаги ролини кучайтириши билан бирга, унинг халқаро нуфузини ҳам оширмоқда⁸.

Иккинчи жиҳат. Марказий Осиё давлатлари билан кўшма ҳарбий машғулотлар Хитойнинг минтақавий хавфсизлик сиёсатида муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) доирасида ўтказиладиган машқлар терроризм, экстремизм ва наркотрафикка қарши курашга йўналтирилган. Бундай машғулотларда Хитой кўшинлари тактик уйғунлик, ахборот алмашинуви ва чегара хавфсизлигини таъминлаш бўйича катта тажриба тўпламоқда⁹.

Учинчи жиҳат. Россия билан ҳарбий-техника соҳасидаги ҳамкорлик Хитойнинг стратегик манфаатларида алоҳида ўрин тутади. Россиядан замонавий зенит-ракет тизимлари (С-300, С-400), Су-35 қирувчилари ва юқори технологияли қурол-аслаҳаларнинг харид қилиниши Хитой армиясининг технологик имкониятларини кенгайтди. Шу билан бирга, кўшма баҳрий

⁵ Varabanov M. “Russian Arms Exports: Trends and Challenges”, Moscow: CAST, 2021. – P. 45–47.

⁶ Громов А. «Россия ташқи сиёсатининг ҳарбий йўналишлари», Санкт-Петербург: Питер, 2023. – Б. 132.

⁷ Ли Чжан. «Китай и международная безопасность», Пекин: Renmin Press, 2022.

– С. 201.

⁸ Yun Sun. «China’s Strategic Approach to UN Peacekeeping», Brookings Institution, 2021. – P. 7–9.

⁹ Karimov Sh. «Regional Security in Central Asia and China’s Role», Tashkent: University Press, 2023. – P. 144.

машғулотлар ва ҳарбий-техника интеграцияси икки давлатнинг стратегик шериклик даражасини янги босқичга олиб чиқди¹⁰.

Тўртинчи жиҳат. “Бир камар, бир йўл” ташаббуси хавфсизлик йўналишида ҳам узок муддатли мақсадларни кўзламоқда. Инфратузилма қурилиши ва транспорт йўлакларини барпо этиш жараёнида хавфсизлик кафолатлари билан боғлиқ механизмлар ишлаб чиқирилиши, қўшма патруллар ва чегара ҳамкорлиги амалиёти бунда муҳим ўрин тутди. Шу тариқа, Хитойнинг иқтисодий ташаббуслари билан ҳарбий ҳамкорлиги уйғунлик касб этмоқда¹¹.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Хитойнинг халқаро ҳамкорлик стратегияси иқтисодий ва инфратузилма лойиҳалари орқали хавфсизлик тизимини мустаҳкамлашга йўналтирилган. Африка ва Марказий Осиёдаги фаолият, БМТ тинчликпарварлик миссияларида иштирок ва Россия билан ҳарбий интеграция орқали Хитой халқаро хавфсизликнинг барқарорлигини таъминлашда глобал актор сифатида намоён бўлмоқда.

¹⁰ Kashin V. «Sino-Russian Military Cooperation: From Arms Sales to Joint Exercises», *Journal of Strategic Studies*, 2020, Vol. 43(5). – P. 689–692.

¹¹ Rolland N. «China’s Belt and Road Initiative: Underlying Strategic Motives and Security Implications», *The National Bureau of Asian Research*, 2021. – P. 52–55.